

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УРАЗИМБЕТОВА АЙГУЛЬ АРАЛБАЕВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАЯНЧ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошлангич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Уразимбетова Айгуль Аралбаевна**

Бошлангич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш ..... 3

**Уразимбетова Айгуль Аралбаевна**

Совершенствование методики формирования базовых компетенций учащихся начальных классов ..... 21

**Urazimbetova Aygul Aralbaevna**

Methods of forming the basic competencies of primary school students in the context of innovative education ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УРАЗИМБЕТОВА АЙГУЛЬ АРАЛБАЕВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАЯНЧ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошлангич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1678 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исақулова Нилуфар Жаникуловна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Маматова Гулшан Аманкуловна**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.P.26.01 рақами Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-й.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-й. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_ да \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Р.Х.Джураев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, пед.ф.д., проф., академик

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, пед.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги семинар раиси, п.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув ва интеграция жараёнлари чуқурлашаётган шароитда бошланғич синф ўқитувчиларининг таянч компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга эҳтиёж кучаймоқда. Шу боис ривожланган давлатларда бўлажак педагогларнинг шахсий ва касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Жанубий Корея, Германия, Россия, Англияда фан ва таълим ютуқларини ўқув материаллари мазмунига сингдирив бориш, она тили ўқитиш сифатини ошириш, таълимнинг узлуксизлигини ва самарадорлигини оширишга оид илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор берилган.

Жаҳонда бошланғич таълим бошланғич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини шакллантириш дидактик таъминотининг босқичларини такомиллаштириш, бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантиришнинг интегратив моделини такомиллаштириш, 1-2-синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методик таъминотини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирда бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг интегратив модели, бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг методик таъминоти, бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенциялари такомиллашганлиги динамикаси бўйича илмий-тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз таълим муассасаларида бўлажак педагогнинг коммуникатив компетентлиги бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг самарали механизmlарини татбиқ этишнинг меъёрий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу ижтимоий жараёнларда, касбий мулоқот савиясини оширишга шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сон “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикаизда бошланғич синф ўқувчиларини инновацион таълим шароитида турли қобилияtlарини шакллантириш масалалари бўйича Н.Г.Аловутдинова, А.Я.Бобомуродова, Т.У.Зиядова, Р.Ибрагимов, Н.А.Қосимова, У.А.Машарипова А.Қ.Ниссанбаева, Ш.У.Нуруллаева, О.Охунжонова, А.Тешабоев, Р.Ҳамроев, Н.А.Ҳамедова, М.З.Ҳамдамова кабиларнинг илмий-тадқиқотларида ўз аксини.

Таълим жараёнининг турли босқичларида ўқувчиларининг таянч компетенцияларни ривожлантириш масалалари бўйича турли даврларда профессор А.Абдуқодиров, Қ.Абдуллаева, Г.Боймуродова, М.Э.Жумаев, Ш.Йўлдошева, Р.А.Мавлонова, К.Қосимова, Б.Е.Сабиров, Н.И.Тайлақов, М.И.Тошпулатова, С.И.Рахмонқулова, С.Усмонов, Х.Фуломова, Ш.Ж.Юсупова, К.А.Фарфиевалар, томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида таянч компетенцияларни ривожлантиришнинг назарий-методик асослари Б.Г.Ананьев, А.Н.Алексеев, В.И.Андреев, А.Б.Воронцов, Б.С.Гершунский, В.В.Гузеев И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, Т.А.Каплунович, Б.Ф.Ломов, С.В.Лазарев, А.К.Маркова, А.М.Матюшкин, Л.А.Петровская, А.В.Савенков, В.В.Сериков, А.В.Хугорской, И.С.Якиманская, Д.Б.Эльконин, Л.А.Фролова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Хорижий давлатларда N.Chomsky, J.Jarmul, F.Carton, M.Grammont, P.Léon, A.Martinet ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида таянч компетенцияларни ривожлантиришнинг методик таъминотини яратиш масалаларига оид тадқиқот ишлари амалга оширилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-1-123 рақамли “Ўқитувчилар учун мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган. (2015-2017 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқищдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич таълим ДТС талаблари асосида таянч компетенцияларни шакллантиришга компетентли ёндашувни таҳлил қилиш;

бошланғич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини шакллантириш дидактик таъминотининг босқичларини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантиришнинг интегратив моделини такомиллаштириш;

1-2-синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикаси моделлаштириш орқали такомиллаштириш ва педагогик тажриба-синовдан ўтказиш;

бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани 293-, Тошкент вилояти, Юқори Чирчик тумани 32-, Фарғона вилояти, Риштон туманидаги 32-, Сирдарё вилояти Ховос тумани 14-, Жиззах вилоят Зарбдор тумани 1-сон умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфнинг 1641 нафар ўқувчи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикаси мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Тадқиқотда таҳлилий, қиёсий-таққослаш, сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаш, эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш, эксперимент ва математик-статистик қайта ишлаш, график тасвирлаш каби усуслардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини шакллантириш мазмуни ижтимоий-маданий, синергетик, феноменологик ва аксиологик ёндашувларни ўзаро яхлитлаш, таксономия, интенсивлик, ассимилиация, натижавий элементларини ривожлантиришга боғлиқ хусусиятларини вақтинчалик ва фазовий чегараларини белгилаш асосида аниқланган;

бошланғич синф ўқувчиларининг креативлиги коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч билимларининг меъёрий, тизимли даражаларини блок модулли технологияларнинг когнитив ва компенсатор стратегияларни инновацион таълим муҳитини моделлаштириш асосида ривожлантирилган;

бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги антропологик ёндашувни босқичма-босқич ривожлантириш жараёнидаги ҳамкорлик, модулли, лойиҳаловчи, ривожлантирувчи, фаолиятли педагогик таъсир воситалари таркибини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

1-2-синф ўқувчиларининг таянч компетенциялари таркибий, мантикий ва функционал боғлиқликнинг ижтимоий-педагогик индивидуал таълим

траекториясини тармоқли таълим майдонини аниқлаштириш асосида ривожлантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

1-2-синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикаси такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчилари учун “Она тили” фанидан ўқув қўлланма нашр этилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини такомиллаштириш бўйича ўқув вазиятлар тўплами ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога педагогик ва психолого-педагогик, методик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикаси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги Республикализ, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги ҳамда таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жихатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илмий асосланган маълумотлар, таклиф қилинган методика, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, методик тавсиялар олий таълим муассасаларида таълим жараёни самарадорлигини ошириш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантиришнинг интегратив модели ҳамда бошланғич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини такомиллаштирилган механизмларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

блок модулли технологиялар орқали ривожлантирилган бошланғич синф ўқувчиларида коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий каби таянч билимларининг меъёрий, тизимли ва креатив даражаларига оид хулоса ва таклифлардан А-1-123 рақамли “Ўқитувчилар учун мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 89-03-3593-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини шакллантириш методикаси дидактик

таъминотининг босқичларини такомиллаштириш ҳисобига самарадорлик кўрсаткичининг ошишига эришилган;

синергетик интеграциялаш орқали такомиллаштирилган бошлангич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини шакллантириш дидактик таъминотининг тизимлаштириш, таксономия, интенсивлик, ассимилиация, натижавий босқичларига оид хулоса ва таклифлардан “Она тили” фанидан Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 89-03-3593-сон маълумотномаси). Натижада, бошлангич синф ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари таянч компетенцияларни шакллантиришнинг интегратив моделини такомиллаштириш ҳисобига такомиллашувига хизмат қилган;

инновацион портфолио баҳолаш технологияларини семиотик функцияларга уйғунлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган бошлангич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантиришнинг интегратив моделига оид хулоса ва таклифлардан А-1-123 рақамли “Ўқитувчилар учун мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойихада фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 89-03-3593-сон маълумотномаси). Натижада, бошлангич синф ўқувчиларининг “Она тили” дарсларида ўқитиши самарадорлиги, ўқувчиларнинг ўкув фанларига бўлган қизиқишилари ва ўкув фаоллигининг сифат даражаларини таъминлаш ҳисобига ошишига эришилган;

ўкув вазиятларининг когнитив ва компенсатор стратегияларини фасилитация қонунларини моделлаштириш орқали такомиллаштирилган компетенцияларини шакллантириш методикасига оид хулоса ва таклифлардан “Она тили” номли ўкув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 89-03-3593-сон маълумотномаси). Натижада, бошлангич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш самарадаорлигини ошириш ҳисобига ўкув вазиятлар тўплами ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та иш, жумладан, 1 та ўкув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та (5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 150 сахифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот ишлари шархи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, обьекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилингандиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогик қарашлар ривожида “таянч компетенция” тушунчасининг ёритилиши, бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлиги ва ҳозирги ҳолати асослаб берилган.

Умумтаълим муассасалари хусусиятларидан келиб чиқиб, она тили фанини ўқитиша ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириш ҳолати ўрганилди, таянч компетенцияларни ривожлантиришда давлат таълим стандартларини ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди, уларга аниқликлар киритилди. ДТСнинг мақсади – умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат эканлиги ҳамда бу соҳада аниқ вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Умумий ўрта таълимнинг малака талаблари умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимуми ва якуний мақсадларига, ўқув юкламалари ҳажмига ҳамда таълим сифатига қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, унда умумтаълим фанларини ўрганишнинг бошланғич даражаси учун A1 ва умумтаълим фанларини ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич даражаси учун A1+ даража талаблари белгиланган. Шунингдек, ҳар бир умумтаълим фанининг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилади. “Она тили” фани бўйича умумий ўрта таълими муассасалари (барча таълим олиш тиллари бўйича) 4-синф битирувчиларига қўйилган малака талаблари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг такомиллаштирилган давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори таълим-тарбия соҳасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, ўқитиши сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги,

узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлири устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равища таянч компетенциялар шакллантирилади. Мазкур компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилади (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

### Таянч компетенциялар


№	Таянч компетенциялар	Таянч компетенцияларнинг мазмуни
1.	Коммуникатив компетенция	ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади
2.	Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси	медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади
3.	Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси	доимий равища ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равища мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутади
4.	Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси	жамиятда бўлаётган воқеа, ходиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳукуқларини билиш, унга риоя килиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳукуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади
5.	Миллий ва умуммаданий компетенция	вatanга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади
6.	Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси	аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оиласиб, касбиб ва иқтисодий режаларни тузса олиш, кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади

Бошлангич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни такомиллаштиришнинг ўқув-услубий таъминоти ва ташкилий тузилмалари

билин боғлиқ ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги кўринди. Компетентлик маълум инсоннинг маълум компетенцияни эгаллаши даражасини ифодалайди. Компетентлик остида мос компетенцияларнинг мавжудлиги ва фаол ҳолатини тушунамиз, уларга кўра инсон маълум муаммоларни амалий ҳал этади ва буни келажакда амалга ошира олади.

Таълим компетенциялари ва компетентликлари тушунчаси илмий педагогик тилида кўп қўлланилмоқда. Янги атамаларга ўз муносабатларини [www.auditorium.ru](http://www.auditorium.ru) порталининг электрон саҳифаларида мухокамаларда машхур педагоглар билдирганлар, унинг материаллари А.Дахиннинг мақоласида умумлаштирилган<sup>2</sup>.

Таълимда компетентли ёндашувни амалга ошириш таълим фаолиятининг бевосита натижаси таянч компетенцияларни шакллантириш ишлари аҳамиятли ҳисобланади. Тадқиқотларимиз давомида қуидаги таълимий вазифалар (хусусий мақсадлар) ифодаланган бўлиб, уларни таянч компетенциялар сифатида талқин этиш мумкин (1-расмга қаранг):



**1-расм. Инновацион таълимий вазифалари ифодаланган таянч компетенциялар мажмуи**

<sup>2</sup> Дахин А. Компетенция и компетентность: сколько их у российского школьника // Народное образование. 2004. - № 4. - С. 136-144.


Диссертациянинг “Бошланғич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини такомиллаштириш технологияси” деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларини такомиллаштиришнинг интегратив модели, методик таъминоти ва таянч компетенциялари такомиллашганлиги динамикаси ёритилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг интегратив модели ўрганилаётган жараённинг таянч компонентларини ва унинг самарали амал қилишини таъминлайдиган педагогик шароитлар мажмуини ягона тизимда қамраб оладиган тарзда ишлаб чиқилиши ва лойиҳаланиши лозим (2-расмга қаранг).

Таклиф этиладиган предметли-тартибга солувчи, предметли-билишга оид, предметли-коммуникатив масалалар, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенциялар шаклланганлиги даражасининг ташхис қилиш воситаси сифатида ҳам фойдаланилганлигини таъкидлаш лозим. Ўқитувчи топшириқларни танлашни мустақил ёки бошланғич синф ўқувчилари билан ҳамкорликда амалга оширади. Бунда бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган амалий ва ижодий топшириқлар ҳамда машқлар талабларига риоя этилди. Машғулотларда фойдаланиладиган топшириқлар:

- 1) қизиқарли бўлиши керак (шакли, мазмуни, сюжет ва бошқалар бўйича; ечиш усули бўйича ёки натижанинг кутилмаганлиги);
- 2) мураккаблик даражаси билан фарқланиши, бир неча бажариш усулларига (ва жавоблар) эга бўлиши керак;
- 3) қизиқарли, тарбиявий, амалий аҳамиятга эга бўлган ва фанлараро алоқадор мазмунни танлаш керак;
- 4) уларни бажариш маълум билишга оид билимларни эгаллашсиз амалга ошириб бўлмайдиган тарзда ифодаланиши керак;
- 5) содда, тушунарли ва бошланғич синф ўқувчиларининг кўпчилиги томонидан осон амалга ошириладиган бўлиши керак.

Бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантириш методикаси ва уни амалга ошириш педагогик шароитларини жорий этиш маълум фанларни ўзлаштириш доирасида ҳамда маҳсус ишлаб чиқилган «Ютуқлар даражаси» дастури бўйича дарсдан ташқари вақтда содир бўлиб, улар тартибга солувчи, билишга оид ва коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш учун маълум имкониятларни очиб берди. “Ютуқлар даражаси” дастурини амалга ошириш доирасида бошланғич синф ўқувчиларига таклиф этилган топшириқларга мисоллар келтирамиз. Топшириқларнинг мазкур тўплами бошланғич синф ўқувчилари яқуний натижада қийинчиликсиз ўз фаолиятларининг мақсадини аниқлай олишлари, ўз фаолиятларини режалаштиришлари, вазифа ёки муаммони компонентларга ажратишлари, у ёки бу ходиса ёки ҳаракатнинг оқибатларини олдиндан билиш ва зарур бўлганда қайта режалаштиради.



## 2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини таомиллаштиришнинг интегратив модели

**1-топширик.** Ўзингизнинг дам олиши кунингиз ҳақида барча имло қоидаларига амал қилган ҳолда ёзинг. Узоқ кутилган дам олиш куни бошланди. Кўп ишларни улгуриш керак! Сиз дўстингиз билан кўчада бир соат бўлса ҳам айланишга келишиб олдингиз; сиз бутун ҳафта давомида янги ўйинни ўйнашни истайсиз. Аммо бунга ҳеч бўлмагандага бир соат керак,

бўлмаса ўйнамаган ҳам маъқул. Доимгидек уй вазифасини бажариш керак. Сиз бунга бир ярим соат кетади деб умид қиласиз. Шунингдек, ота-онангиз бугун ўз хонангизни йиғиширишингизни қатъий тавсия қилдилар. Унинг ҳолатидан бундай ишга камида бир соат кераклиги маълум. Режалар шундай бўлди! Барчасига улгуриш учун бу кунни қандай ташкил этиш керак?». Топшириқ устида ишлаш:

Алоҳида қисмларни ажратинг. Нечта гап ҳосил бўлди?

Нечта сўз бўлди? Матнни ёзиш учун қанча вақт сарфлаш керак? Барча қоидаларга амал қилдингизми? Қайта текшириб чиқинг.

		Гап тузиш	Матн тузиш
	Вақт сарфи		
	Хато нечта		

**2-топшириқ.** Яқинда туғилган кунингиз, сиз ўз дўстларингизни таклиф қилишни истайсиз. Ўртоқларингизга таклифнома ёзинг. Ҳарфларни турли рангли қаламлар билан ёзинг. Барча имло қоидаларига амал қилишни унутманг. Байрам қизиқарли бўлиши учун нима қилиш керак?. Барча дўстларингизга кичкина қофозчаларга саволлар тузинг ва қутичага жойлаб кўйинг. Бошланғич синф ўқувчиларини масалан, тил қоидалари хақидаги саволлар билан қизиқарли ўйин ташкил қилингиз мумкин.

**3-топшириқ.** Сизнинг мактабингиз, мактаб олдидағи энг яхши гуллар хақида хикоя ёзинг. Хикояни ёзишда энг таъсирили сўзлардан фойдаланинг. Барча имло қоидаларига амал қилишни унутманг. Мактабингизда яна нималар бўлишини ҳохлар эдингиз, ўз таклифингизни билдиринг.

**4-топшириқ.** Сиз уйингиздаги ҳайвонлар улар билан боғлиқ қизиқарли воқеалар хақида хикоя тузинг. Барча имло қоидаларига амал қилишни унутманг.

Бинобарин, дастлабки тажриба натижалари умумтаълим муассасаларининг бошланғич синф ўқувчиларда таянч компетенцияларнинг паст даражада шаклланганлиги маълум бўлди. Бу ҳолат ўқувчиларнинг таҳсил олиш жараёнида таянч компетенцияларни такомиллаштирувчи операционал тизим яратишни талаб этади.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба-синов ташкил этиш ва ўтказиши**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш усуллари ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили ёритилиб, ўқувчиларида таянч компетенцияларни такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар берилган.

Умумтаълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг таянч компетенцияларни ривожлантириш муаяйн бир тизимга, кетма-кетлик ва бошқариш хусусиятига эга жараён. Шу боис тадқиқот режаларини амалга оширишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳар, Бектемир тумани 293-, Тошкент вилояти, Юқори Чирчик тумани 32-, Фарғона вилояти, Риштон туманидаги 32-, Сирдарё вилояти 14-, Жиззах вилояти 1-умумий ўрта таълим

мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларида олиб борилди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари энг юқори, юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича баҳоланди. Тажриба гурухларида 820 нафар, назорат гурухларида 821 нафар, жами 1641 нафар ўқувчилар қатнашди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

### Тажриба-синов ишлари босқичларида қатнашган ўқувчилар сони

Тажриба синов босқичлари	Йил- лар	Гурух- лар	Тошкент шаҳар 293-мактаб	Тошкент вилояти 32-мактаб	Фарғона вилояти 32-мактаб	Сирдарё вилояти 14- мактаб	Жиззах вилояти 1-мактаб	Умумийси
Таъкидовчи	2017- 2018	ТГ1	32	27	25	27	25	136
		НГ1	35	25	26	26	26	138
		ТГ2	34	26	27	25	27	139
		НГ2	33	27	28	26	25	139
Шаклланти- рувчи	2018- 2019	ТГ1	34	26	27	24	26	137
		НГ1	32	27	25	25	25	134
		ТГ2	32	26	25	27	25	135
		НГ2	35	27	26	26	26	140
Умумлаш- тирувчи	2019- 2020	ТГ1	30	27	26	25	26	134
		НГ1	31	28	26	25	27	137
		ТГ2	34	26	27	24	26	137
		НГ2	32	27	25	25	25	134
Жами		ТГ1	99	78	79	75	78	409
		НГ1	97	81	78	75	79	410
		ТГ2	99	79	80	77	76	411
		НГ2	101	80	78	75	77	411

Бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни эгаллашга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида соҳа мутахассислари: услубчилар, тарбиячи-педагоглар, ўқитувчилар билан индивидуал ва жамоавий сұхбатлар уюштириб, сўровномалар ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг умумлаштирувчи босқичида таянч компетенцияларни шакллантириш даражасининг якуний ҳолатини текшириш мақсадида олинган жадвал маълумотларига кўра қўйидаги статистик танланмаларни тавсифлаймиз (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

### Статистик танланмалар

Гурухлар	Юқори	Ўрта	Паст	Респондентлар сони
1-танланма (Тажриба синфи ТГ)	O <sub>11</sub> =35	O <sub>12</sub> =68	O <sub>13</sub> =32	n <sub>1</sub> =134
2-танланма (Назорат синфи НГ)	O <sub>21</sub> =13	O <sub>22</sub> =36	O <sub>23</sub> =88	n <sub>2</sub> =137
Танланмалар йигиндиси	O <sub>11</sub> +O <sub>21</sub> =48	O <sub>12</sub> +O <sub>22</sub> =104	O <sub>13</sub> +O <sub>23</sub> =120	n <sub>1</sub> +n <sub>2</sub> =271

Энди ушбу жадвалдаги маълумотлар асосида  $\chi^2$  нинг эмпирик қийматини ҳисоблаймиз:

$$\chi^2_{\text{кузатув}} = \frac{1}{134 \cdot 137} \left( \frac{(137 \cdot 35 - 134 \cdot 13)^2}{48} + \frac{(137 \cdot 68 - 134 \cdot 36)^2}{104} + \frac{(137 \cdot 32 - 134 \cdot 88)^2}{120} \right) = 45,42$$

Юқоридаги ҳисобга кўра,  $\chi^2_{\text{кузатув}} = 45,42 > \chi^2_{\text{критик}} = 5,99$  бўлганлиги учун нолинчи гипотеза рад этилиб биринчи гипотеза қабул қилинади. Гурухлардаги ўртача қийматларни ҳисоблаймиз:

$$\overline{X_T} = \frac{1}{134} [35 \cdot 5 + 68 \cdot 4 + 32 \cdot 3] = 4,02$$

$$\overline{X_H} = \frac{1}{137} [13 \cdot 5 + 36 \cdot 4 + 88 \cdot 3] = 3,45$$

Самарадорлик коэффиценти:

$$\eta = \frac{4,02}{3,45} = 1,16$$

Бундан кўринадики, танланган синфлардаги ўқувчиларнинг билим даражалари тажриба синфларида назорат синфларига нисбатан 1,16 баробарга ёки 16% га юқори эканлигини кўрсатади. Бу гипотезанинг натижаларнинг ишонлигини текшириш мақсадида танламаларнинг статистик дисперцияларини, ишонч четланишлари ва ишонч интервалини таққослаймиз. Танланма дисперциялар: тажриба синфларида

$$S_x = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^4 (n_i \cdot (x_i - \bar{x})^2) = \frac{1}{134-1} (34 \cdot (5-4,02)^2 + 68 \cdot (4-4,02)^2 + 32 \cdot (3-4,02)^2) = 0,50$$

назорат синфларида

$$S_y = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^4 (n_i \cdot (x_i - \bar{x})^2) = \frac{1}{137-1} (13 \cdot (5-3,45)^2 + 36 \cdot (4-3,45)^2 + 88 \cdot (3-3,45)^2) = 0,44$$

ишонч оралиқ интервали учун ишонч четланишлари тажриба синфида:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,50}{\sqrt{134}} = 0,12 \text{ га тенг, назорат синфида эса:}$$

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,38}{\sqrt{137}} = 0,11 \text{ га тенглини ҳосил қиласиз.}$$

Булардан тажриба синфи учун ишончли интервали:

$$4,02 - 0,12 \leq a_x \leq 4,02 + 0,12$$


$$3,90 \leq a_x \leq 4,14$$

Назорат синфи учун ишонч интервали:

$$3,45 - 0,11 \leq a_y \leq 3,45 + 0,11$$

$$3,34 \leq a_y \leq 3,56$$

Ишонч интервалини геометрик тасвирласак




Бундан кўринадики, тажриба ва назорат гурухларининг ишонч интерваллари бир-бири билан кесиши майди. Шунинг учун, бу гурухлардаги ўқувчиларнинг даражаси бир-биридан фарқ қилиб, статистик қийматлар орқали тажриба-синов ишларининг тўғри олиб борилганлиги ва самарадорликка эга эканлигини тасдиқлайди. Бундай хulosаларни қолган мезонлар ва гурухлар учун ҳам келтириш мумкин, буларни қуидаги статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал.

#### Статистик ҳисоб жадвали

Гурух	Гурухда-гилар сони	Ўртача қиймат	Самарадорлик	Хи квадрат	Критик қиймат	Танланма дисперсия	Стандарт хатолик	Ишонч интервали	
<b>Шахсий мезоннинг ривожланиш даражаси</b>									
ТГ-1	134	3,96	1,16	47,46	5,99	0,48	0,69	3,84	4,07
НГ-1	137	3,41				0,42	0,65	3,30	3,52
ТГ-2	137	3,98	1,17	50,16	5,99	0,47	0,69	3,86	4,09
НГ-2	134	3,40				0,37	0,61	3,29	3,50
<b>Тартибга солувчи мезоннинг ривожланиш даражаси</b>									
ТГ-1	134	4,05	1,17	44,57	5,99	0,50	0,71	3,93	4,17
НГ-1	137	3,47				0,42	0,65	3,37	3,58
ТГ-2	137	4,00	1,18	50,40	5,99	0,53	0,72	3,88	4,12
НГ-2	134	3,39				0,39	0,62	3,28	3,49
<b>Билишга оид мезоннинг ривожланиш даражаси</b>									
ТГ-1	134	4,02	1,16	46,17	5,99	0,51	0,72	3,90	4,14
НГ-1	137	3,47				0,51	0,72	3,35	3,59
ТГ-2	137	3,99	1,17	43,91	5,99	0,53	0,73	3,87	4,11
НГ-2	134	3,42				0,41	0,64	3,31	3,53
<b>Коммуникатив мезоннинг ривожланиш даражаси</b>									
ТГ-1	134	4,04	1,17	47,12	5,99	0,49	0,70	3,93	4,16
НГ-1	137	3,45				0,39	0,63	3,35	3,56
ТГ-2	137	4,07	1,18	49,19	5,99	0,52	0,72	3,95	4,19
НГ-2	134	3,45				0,40	0,63	3,34	3,55
<b>Таянч компетенцияларни шакллантириш даражаси</b>									
ТГ-1	134	4,02	1,16	45,42	5,99	0,50	0,70	3,90	4,14
НГ-1	137	3,45				0,44	0,66	3,34	3,56
ТГ-2	137	4,01	1,18	48,14	5,99	0,51	0,72	3,89	4,13
НГ-2	134	3,41				0,39	0,63	3,31	3,52

Тажриба гурухларида олинган натижалар назрат гурухида олинган натижалар билан статистик таҳлили кўрсаткичлари асосида  $\chi^2 > \chi^2_{\text{крит}}$  бўлгани учун  $H_1$  гипотеза кабул қилинади. Энди ушбу жадвалдаги самарадорлик кўрсаткичлари бўйича диагармасини келтирайлик (3-расмга қаранг):



### 3-расм. Мезонлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари

Бундан қўринадики, танланган синфлардаги ўқувчиларнинг билим, даражалари тажриба синфларида назорат синфларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатади, статистик гипотезанинг қиймати критик қийматидан катта бўлгани, ишонч интерваллари бир-бири билан кесишмаганлиги учун ушбу олинган натижалар самарали эканлигини кўрсатади ва уларнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичи 1-синфлар учун 16 % га, 2-синфлар учун эса 18 % юқори эканлиги исботланди.

## ХУЛОСА

«Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш» мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктор (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш муаммосини ўрганиш ва ишлаб чиқилганлиги даражасини аниқлаш мазкур муаммо бошланғич таълимнинг педагогикаси назарияси ва амалиётида долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатди. Бу бошланғич синф ўқувчиларининг таълимда натижаларга эришишларига йўналтирилган, шунингдек таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқитувчи ва синфдошлари билан диалог, ҳамкорликларига асосланган инновацион ёндашувларни қўллашни кўзда тутувчи бошланғич таълимдаги ўқитиш стратегияларининг ўзгариши билан боғлиқ. Инновацион фаолиятнинг педагогик имкониятлари бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантиришга самарали таъсирни таъминлайди ва ўрганилаётган жараённинг педагогик таъминоти ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

2. Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш предметли-шахсий, предметли-тартибга солувчи, предметли-билишга оид ва предметли-коммуникатив масалаларни ҳамкорликда ечишда бошланғич синф ўқувчиларида шахсий, тартибга солувчи, билишга оид ва коммуникатив

мезонларини оширишга йўналтирилган жараён сифатида хизмат қилади

3. Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш механизми таълимнинг ўсиб борувчи талаблари ва бошланғич синф ўқувчиларининг мазкур талабларни қондириш ва мураккаб масалаларни ҳал этиш имкониятлари ўртасидаги диалектик зиддиятларни ечишга асосланади.

4. Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш жараёнини лойиҳаланган модел асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Модель бошланғич таълим ўқув жараёнида таянч компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган ва ўзаро боғлиқ компонентлардан (мақсадли, назарий-методологик, мазмунли-процессуал ва маҳсулдор) ташкил топган мураккаб, кўп даражали, динамик тизимни ифодалайди.

5. Бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш уч босқичларда оширилди (тайёрлов, операцион ва умумлаштирувчи) ва ўқув ҳамкорлиги жараёнида яхлит тизим сифатида бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенциялар шаклланганлигини таъминлади.

6. Тажриба-синов ишлари натижалари моделни ажратилган педагогик шароитлар асосида амалга ошириш, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқитувчи ва синфдошлари билан ҳамкорликда предметли-тартибга солувчи, предметли-билишга оид ва предметли-коммуникатив масалаларни ечишлари жараёнидаги яхлит тизим сифатидаги, бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни босқичма-босқич шакллантиришга ёрдам беришини кўрсатди.

7. Тажриба-синов ишларида олинган натижаларнинг ўтказилган қиёсий таҳлили илмий изланиш вазифалари ечилганлиги, тадқиқот мақсадига эришилганлигини кўрсатди.

Мазкур хulosаларга таянган ҳолда, бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш самарадорлиги юзасидан қуидаги **тавсияларни** бериш мумкин:

бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикасини оммалаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантириш методикаси мақсадида яратилаётган янги авлод ўқув адабиётларини яратиш;

бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини такомиллаштиришнинг интегратив моделидан фойдаланиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УРАЗИМБЕТОВА АЙГУЛЬ АРАЛБАЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ФОРМИРОВАНИЯ БАЗОВЫХ  
КОМПЕТЕНЦИЙ УЧЕНИКОВ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания  
(начальное образование)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована за номером DSc.03/30.01.2019.Ped.P.26.01 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен по адресам: в веб-странице Научного совета – [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz), а также информационно-образовательном портале “ZiyoNet” – [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Исакулова Нилуфар Джаникуловна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Маматова Гулшан Аманкуловна**  
доктор философии по педагогическим наукам PhD

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета за номером DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете «  »        2021 года в        часов. (Адрес: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район ул. Бунедкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован под номером       ). (Адрес: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район ул. Бунедкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86).

Автореферат диссертации разослан «  »        2021 г.  
(Протокол реестра за номером        “      ”        2021 года)

**Р.Х.Джураев**  
председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., академик

**Р.Г.Исянов**  
секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.п.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях углубления процессов глобализации и интеграции во всем мире, возрастает потребность в совершенствовании методики развития базовых компетенций учителей начальных классов. Поэтому проведение научных исследований по развитию личностных и профессиональных компетенций будущих педагогов в развитых странах приобретает актуальное значение. В частности, в Южной Корее, Германии, России, Англии особое внимание уделяется внедрению в учебный материал передового опыта по внедрению достижений науки и образования, повышению качества преподавания родного языка, повышению непрерывности и эффективности образования.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по совершенствованию этапов дидактического обеспечения формирования базовых компетенций учащихся начальных классов начального образования, совершенствованию интегративной модели формирования базовых компетенций учащихся начальных классов, созданию методического обеспечения совершенствования методики формирования базовых компетенций учащихся 1-2 классов. В настоящее время особое значение приобретают исследования интегративной модели и методического обеспечения формирования и совершенствования базовых компетенций, динамики совершенствования базовых компетенций у учащихся начальных классов.

В образовательных учреждениях республики создана нормативная база внедрения эффективных механизмов совершенствования методики формирования базовых компетенций учащихся начальных классов, коммуникативной компетентности будущего педагога. В стратегии действий Президента Республики Узбекистан по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие приоритетные задачи, как “Непрерывное повышение качества и уровня профессионального мастерства педагогических кадров”. Это создает условия для повышения уровня профессиональной коммуникации в социальных процессах.

Данная исследовательская работа в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в “Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года № УП-5847, Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Указе Президента Республики Узбекистан от 20 мая 2011 года № УП-1533 “О мерах по укреплению материально-технической базы высших образовательных учреждений и коренному улучшению качества подготовки высококвалифицированных специалистов”, постановлениями президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, от 5 июня 2018 года № ПП-3775 “О дополнительных мерах по повышению качества образования”

в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах” и других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. “Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства”.

**Степень изученности проблемы.** Вопросы формирования различных способностей учеников начальных классов в условиях инновационного образования в нашей республике нашли свое отражение в исследованиях Н.Г.Аловутдинова, А.Я.Бобомуродова, Т.У.Зиядова, Н.Ибрагимова, Н.А.Касымова, У.А.Машарипова, А.К.Нисанбаева, Н.У.Нуруллаева, О.Ахунджанова, А.Тешабаева, Р.Хамраева, Н.А.Хамедовой, М.З.Хамдамовой.

Исследования по вопросам развития базовых компетенций учеников на разных этапах образовательного процесса в разные периоды времени проводились А.Абдукадыровым, К.Абдуллаевой, Г.Боймуродовым, Ш.Юлдашевым, М.Э.Джумаевым, Р.А.Мавляновым, С.И.Рахмонкуловым, Б.Э.Сабировым, Н.И.Тайлаковым, М.И.Ташпулатовым, С.Усмановым, К.А.Фарфиевым, Н.Дж.Юсуповым, К.Касымовым, Х.Гулямовыми.

